



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 15 март, № 52 (5472)

Пайшанба

Бунёдкорлик, ободонлаштириш ва эзгу қадриятлар ифодаси

Халқимиз азалдан тўю тантаналар, улуг айём ва шодиёна кунларни бунёдкорлик, ободонлаштириш, хайру саховат йўлидаги эзгу юмушлар билан кутиб олишга одатланган. Бу каби ибратли саъй-ҳаракатлар ҳамisha умумхалқ ҳашари йўли билан, каттаю кичикнинг иштирокида амалга оширилади.

Умумхалқ хайрия ҳашари

Маҳаллада ҳашар бор, деб эшитган киши борки, “Қани, бизга нима хизмат?” дея енг шимариб бораверади. Қараб-сизки, ҳашар давомида кўпнинг хизмати билан катта-катта ишлар бажарилади.

Истиқлол даврида Юртбошимиз ғамхўрлигида маънавий ҳаётимиз узвий қисмига айланиб кетган ҳашар янада чуқур мазмун-моҳият касб этиб, яратувчанлик, ташаббускорлик, шижоат халқимиз учун умум-миллий анъана, эзгу ишга айланди. Жорий йилда ҳам кўпгина айём — Наврўзи олам арафасида ана шу анъанага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 мартдаги фармойиши билан март-апрель ойлари юртимизда “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари” деб эълон қилинди. Маз-

кур ойликлар доирасида 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Айни пайтда эса ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлим ҳамда бўлинмалари томонидан умумхалқ хайрия ҳашарига қизгин ҳозирлик кўриляпти. Икки кун давомида кенг миқёсдаги ҳашар юмушлари доирасида маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудини саранжомлаш, гузарлар, болалар майдончалари, мазор ва зиёратгоҳ гўшаларни ободонлаштириш, жойларда манзарали, мевали дарахтлар ҳамда гул кўчатларини ўтказиш билан боғлиқ эзгу

ишлар амалга оширилади. Бу тадбирларда юртимиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг ҳудуди, ён-атрофи кўкаламзорлаштирилади, кўча ва хиёбонлар, майдонлар кўркам қиёфага эга бўлади.

— Мустақам оила йилида ўтказилаётган мазкур умумхалқ ҳашарига барча юрдошларимизни жалб этиш кўзда тутилмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов. — Ҳашар давомида эҳтижманд оилалар, кексалар ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шaroитини яхшилашга яқиндан кўмаклашилади.

(Давоми 2-бетда).

Наврўз нафаси

Наврўз!

Ушбу калом тилга олиниши билан вужудимиз яйрайди. Негаки, у халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўзгача интиқлик ила соғиниб кутадиган байрами. Кечагидек ёдимизда, минг йиллардан буён яшаб, сайқалланиб келаятган, бетакрор удумларимизни ўзида мужассам этган Наврўзимиз мустабид тузум даврида эскилик сарқити, дея таъқиб остига олинган, тантана қилиш у ёқда турсин, бу ҳақда гапириш ҳам хавотирли эди.

Яшариш фасли шуқуҳи

Азалий қадриятлар, миллий урф-одатлар, байрамлар, сайиллар, халқона томошаларни қатагон қилиш, она тилимизни, миллатни айблаш, камситиш давом этиб турган ўша оғир ва мураккаб шароитда Президентимиз Ислам Каримов томонидан миллий қадриятларимизнинг тикланиши халқимиз руҳиятини кўтарди. Қалбларда эртанги кунга, ёруғ келажакка умид уйғотди. Дастлаб 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат мақоми берилган бўлса, орадан кўп ўтмай, Наврўз нишонлана бошлангани ҳам Юртбошимизнинг жаҳду жасорати, азму шижоати самарасидир. Қисқача айтганда, истиқлол боис Наврўзимиз ўлкамизга қайтди. Унинг қанотида юртга кут-барака, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ҳам келди, гўё...

Тинч-осуда, бугуну кечаги кунидан, эртаси бугунидан фаровон бўлиб бораётган бундай юртга фақат байрамлар ярашади. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари туфайли бугунги кунга келиб, энг олис ҳудудларнинг ҳам қиёфаси ўзгариб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган гоёнинг амалий натижасидир. Мазкур гоё шу азиз юртда яшаётган ҳар бир фуқароннинг фаровон турмушини таъминлаш йўлидаги беқиёс эътибор, юксак эъзоз намунасидир. Шу ўринда бир мисол. Илгари оддий касаллик билан оғриган бемор туман ёки вилоят марказига боришига, у ерда соатлаб навбат кутишига тўғри келган бўлса, ҳозир унчаларча жиддий хасталикларга ҳам

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Наманган

Наманган туманининг Боғишамол қишлоғида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Magnum Farm” қўшма корхонаси фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Кунча кеча бу ерда лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳаётга татбиқ этилди.

Боғишамол дори-дармони

— 300 минг АҚШ долларлиқ инвестиция ҳисобида антибиотиклар тайёрлаш линиясини ишга туширдик, — дейди корхона мутасаддиси Насимбой Азизов. — Шу пайтга қадар, асосан, Ҳиндистондан келтирилган ампициллин, амоксициллин, омега, ципрофлоксацин сингари антибиотикларни эндиликда шу ернинг ўзида ишлаб чиқараёلمиз.

Бу каби янги лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилиши туфайли туманда ўтган йили 47,8 миллиард сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотлари тайёрлашга эришилди.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Қизирик туманидаги “Бандихон карьер” хусусий корхонасида йилига 20 минг куб-метр ҳажмдаги шағал ва қум саралаш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди.

Қурилиш кўлами кенгайди

Мазкур лойиҳа 100 миллион сўм эвазига рўйба-рўй қилинди. Корхона маҳсулотлари, асосан, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар қураётган ташкилотларга етказиб берилмоқда. Туманда бунёдкорлик ишлари кўлами ошиб бораётгани боис корхона жамоаси ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

Қизирикда 2011 йил давомида қарийб 500 миллион сўмлик маблағ эвазига қурилиш материаллари тайёрлашга мўлжалланган 3 та корхона ишга туширилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

Наврўз байрами арафасида Қаршида “Марказий буюм савдо мажмуаси” фойдаланишга топширилди.

Кўркам ва қулай

Бу ерда 4 миллиард сўмликдан ортиқ реконструкция ишлари бажарилган, 2,6 гектарлик мажмуа бутунлай янгича қиёфа касб этди. Айни пайтда барча қулайликка эга 430 та турғун шохобча аҳолига намунавий савдо хизмати кўрсатмоқда.

Лойиҳа муаллифи Норкул Эшонкуловнинг айтишича, мажмуани қайта бунёд этишда шаҳар иқлим шароитига алоҳида эътибор берилган.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Бухоро шаҳрида саноатни ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ, 2011 йилда 23 та лойиҳа амалга оширилиб, 284 та иш ўрни яратилди.

Ҳудудий дастур самараси

Ана шу лойиҳалардан бири “Макма” масъулияти чекланган жамияти амалга оширди. Бу ерда замонавий русумдаги эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилига 3,5 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга янги линияни ишга туширишда корхонанинг ўз маблағларидан ташқари, банкнинг молиявий кўмагидан ҳам самарали фойдаланилди.

Айни пайтда жамиятда пайпоқ тўқши цехини очиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ташаббус — 2012»

Интилиш ва ҳаракатлар қўллаб-қувватланаётган жойдагина ташаббус туғилади. Наинки туғилади, балки тезда кенг қанот ёзиб, ўзининг ижобий самараларини бера бошлайди. Бунга мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида эришилган муваффақиятлар яққол мисол бўла олади.

Тадбиркорлик ва иқтидор кўриги

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий “Ташаббус” кўрик-танлови ишбилармонлар истеъдодини юзага чиқариш, мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, энг муҳими, соҳа вакиллари касбий маҳоратини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Натижада тадбиркорлар ўз фаолиятини кенгайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш суръатларини тобора ошириб, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирмоқда. Муносиб ҳисса қўшаётганлар.

Эътиборлиси, бугун юртимиз тадбиркорлари томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар бемалол рақобатга кириша олади. “Ташаббус — 2012” республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари маҳсулотлари кўргазмасига келган киши бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Бу ерда туман босқичларида голибликни қўлга киритган тадбиркорлар ва хунармандлар

ўз маҳсулотларини намойиш этишаёпти. Шу боис кўргазма майдони анча гавжум.

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу йилги танлов иштирокчиларининг фаолиятини баҳолашда нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичи, балки янги иш ўринлари яратгани, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани каби жиҳатлар ҳам инобатга олинди. Якунда “Rezalit Kolor” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Авазбек Каримов “Энг яхши тадбиркор”, Жасур Жумаев эса “Энг яхши хунарманд” йўналишида голиб деб топилиб, кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Шунингдек, “Энг яхши ёш тадбиркор”, “Энг яхши ёш хунарманд”, “Энг яхши аёл тадбиркор” сингари номинацияларда ҳам совриндорлар аниқланиб, диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ

тежамкор, қулай ва беминнатдир

Олиб борилаётган кенг кўламли илмий изланиш ва амалий саъй-ҳаракатлар самараси юрдошларимизнинг турмуш фаровонлиги юксалишида муҳим омил бўлаёттир.

Инновация

Ана шундай янгиликлардан бири — Муқобил энергия ишлаб чиқарувчи қурилма Уйчи туманининг Ёркатай қишлоғидаги 16-умумтаълим мактабига ўрна-тилди. БМТ гранти асосида келтирилган мазкур восита уч киловатт кучланишга эга. Унинг зарур қувватни ҳосил қилиши учун беш соат кифоа. Тўрақўрғон туманидаги 48-маҳсул мактаб-интернатда эса қуёш қувватидан фойдаланувчи коллектор воситасида сувни иситиш йўлга қўйилди. Ушбу тизим орқали иситилаётган 600 литр сув ошона, кир ювиш хонаси ва ҳаммом эҳтиёжлари учун бемалол етаяпти.

(Давоми 2-бетда).

ПЎЛАТ ИЗЛАРДА ЗАМОН ШИДДАТИ



Темир йўлларни мамлакат иқтисодиётининг қон томирига бежиз қиёслашмайди. Қанчадан-қанча халқ хўжалиги юклари пўлат излар орқали ташилишини, шу йўллар туфайли минг-минглаб инсонларнинг манзиллари яқин бўлишини кўз олдимизга келтирсак, бу гапда заррача муболага йўқлигига амин бўламиз.

Қарор ва ижро

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 6 августдаги 394-сонли қарори ҳудудимизда улкан бунёдкорлик ишларини бошлаб берди, — дейди Кўнғирот минтақавий темир йўл узели бошлиғи вазифасини бажарувчи К. Нуруллаев. — Мазкур ҳаётбахш ҳужжат асосида 226 километрлик “Учқудук — Мискин” ва 115,2 километрлик

“Мискин — Тўрткўл — Султон Увайтоғ”, жами 341,6 километр узунликдаги янги темир йўл тармоғи қурилиб, ишга туширилди. Кейинчалик бу бунёдкорлик ишлари босқичма-босқич давом эттирилиб, 2001 йилнинг 21 мартидан “Навоий — Учқудук — Мискин — Нукус” темир йўли фойдаланишга топширилди.

Мазкур темир йўлларнинг ишга туширилиши

билан баб-баравар кеча-кимсасиз чўл ва барханлар бағрида бир қатор замонавий инфра-тузилма объектлари қад ростлади. Бугун “Учқудук — 2”, “Мойлисой”, “Қуроли”, “Бузовбой”, “Дунгул юк”, “Бургутли”, “Мискин”, “Тўрткўл”, “Элликқалъа”, “Беруний” станцияларида ҳаёт қайнамоқда. Элликқалъадаги замонавий вокзал биноси, Кўнғирот шаҳрида-

ги темир йўлчилар боғида қурилиб ишга туширилган 1500 ўринли спорт мажмуаси, болалар сузис хавзаси, Нукус шаҳридаги 32 оилага мўлжалланган тураржой, “Дунгул юк” бека-ти... Бундай кўркам, замонавий иншоотлар одамлар ҳаётига, турмуш тарзига янгича нафас олиб кирди. “Тахиятош” ва “Хўжайли” станцияларини боғловчи темир йўлнинг ишга туширилиши ҳам айни дилчимиздаги иш бўлди, дейишмоқда ҳар икки шаҳар аҳли.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Мамлакатимизда сўнгги икки йил давомида

15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга кўчи ўтди.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА — МУҲТАШАМ УЙЛАР

Президентимиз ташаббуси билан Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастур қабул қилиниб, унинг изчил ижроси таъминланаётгани туфайли қишлоқ аҳолиси барча шарт-шароит муҳайё қилинган кўркам тураржойларга эга бўлмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдида

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, молия бозори шаклланиб, унинг замонавий турлари ҳаётга жорий этилди. Чунинчи, суғурта бозори изчил раванга топди. Бунда, албатта, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан суғурта хизматларини қўриқтиришда раҳбарлик қилганлиги, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек, суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди.

Суғурта фаолиятининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш — давр талаби

Мазкур сай-ҳаракатларни амалга оширишда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Президентимизнинг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Негаки, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, соҳага кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар-

нинг малакасини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Пировардида суғурта соҳаси мамлакатимиз молия бозорини янада ривожлантириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олди. Утган йили суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта муқофотлари ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 36,6 фоизга ўсгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Дарҳақиқат, суғурта фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланаётган тармоқларидан ҳисобланади. Тармоқда изчил ўзгаришлар юз бериб, янги суғурта турлари ҳаётга таътиб этилмоқда, халқаро тажрибанинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланилмоқда. Буларнинг барчаси, табиийки, суғурта фаолиятини тартибга солиш қонунчилигини изчил такомиллаштириб боришни таъқозо қилаётир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

саккизинчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши кутилаётган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада муҳим аҳамиятга эгадир. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур Қонун суғурта фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга, суғурта қонунчилигини такомиллаштиришга йўналтирилган. Шу ўринда ушбу Қонун суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятига қўшимча энгилликлар беришни кўзда тутишни айтиб ўтиш лозим. Чунинчи, суғурта тоvonини (суғурта пулини) нафақат юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта муқофотларидан, балки бошқа манбалар ҳисобидан ҳам қўллаш имкониятини яратиб беради. Чунки

амалиёт шуни кўрсатаптики, суғурта ташкилотлари бугун инвестиция фаолияти, чет эл суғурта ташкилотларига сюрвейер ва аджастер ҳамда бошқа хизматларни кўрсатиш орқали ҳам ўз даромадини шакллантириб келмоқда. Қолаверса, Қонуннинг қабул қилиниши суғурта компанияларига суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш тўғрисида ҳолис ва асосли қарор қабул қилиш, шартнома шартларини ҳамда белгиланган талабларни бажаришда, суғурта ҳодисаси рўй беришнинг сабаблари ва ҳолатларини аниқлашда кенг имконият яратиб беради. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, ўз навбатида, суғурта бозори профессионал иштирокчилари манфаатлари кафолатларини таъминлаш, уларга қатор энгилликлар бериш билан бир қаторда, масъулиятини ҳам оширади. Шунингдек, ушбу тузатишлар суғурта қилдирувчилар, наф олувчилар, суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада ишончли муҳофаза этишга хизмат қилади. Энг муҳими, суғурта фаолияти қонунчилигининг такомиллаштирилгани мамлакатимиз молия бозорининг муҳим таркибий қисми бўлган суғурта бозорини изчил ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатишда айна мудоао бўлади.

Ш. ХАМРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди.

Семинар

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идоралар ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар иштирок этди. Маълумки, гидротехника иншоотлари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини ҳамда экологик барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бинобарин, улардан узоқ муддатларда кафолатли, ишончли ва оқилона фойдаланиш, тизимни модернизация қилиш, бу борада илмий-

риш, қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизлигини таъминлаш, уларни мониторинг қилиш каби муносабатларни тартибга солишининг асоси эканлиги айтиб ўтилди. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш, бу борадаги қонунчилик ижросини таъминлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эгадир. Тадбирда мавжуд ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш, тармоққа инновацияларни жорий қилиш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш тизимини мустаҳкамлаш, тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

С. МАХСУМОВ.

Бугун — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни

Тошкентлик Хусниддин Низомов яхши ният билан видеокамера сотиб олган эди. Аммо унинг қувончи узоққа чўзилмади: бу қимматбаҳо аппарат носоз экан. Шунда у қўлидаги кафолат талони билан яна дўконга йўл олди. Бироқ сотувчи унинг маҳсулотни бошқасига алмаштириб ёки пулини қайтариб бериш талабини рад этди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ходимлари ара-лашуви билан 9 миллион 750 минг сўм пул эгасига қайтарилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини қонун билан кафолатланган. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилишда белгиланганидек, истеъмолчи харид қилган маҳсулотидан нўқсон бўлса, уни айнан шундай бошқа сифатлига алмаштириб олиши, бепул таъмирлатиши ёки сифатсиз товарнинг пулини қайтариб олишга ҳақлидир. Шу ўринда айтиш керакки, истеъмолчилар ҳуқуқларининг қонун ҳимоясига олиниши бозор муносабатларини тартибга солиш, товар ва хизматлар сифати устидан

жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг амалии самараси, албатта, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари нечоғлиқ ҳурмат қилиниши, айна пайтда аҳоли ўзининг қонуний ҳуқуқларини қанчалик яхши билишига боғлиқ. Шу боис федерация ва унинг вилоятлардаги ҳудудий тузилмалари аҳоли ўртасида истеъмолчилар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бормоқда. Бу эса қўтилган натижани бераётир. Утган йили, масалан, федерацияга 9,5 мингга яқин ариза ва шикоят тушгани одамларнинг ҳуқуқий маданияти ошиб бораётганини кўрсатади. Бундай дейишимизнинг яна бир сабаби, уларнинг

Р. САИДОВ.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ

тежамкор, қулай ва беминнатдир

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Тошкентдаги “Еко-Енерџи” илмий марказида ишлаб чиқарилаётган мазкур қуёш батареялари экологик афзаллиги билан қўпчиликка манзур, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси масъул ходими Собиржон Мамажонов. — Учқўрғон туманининг Охунбобоев қишлоқ врачлик пункти ва Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйига ҳам ана шундай қурилмалар ўрнатилганиги ушбу муассасаларда электр энергияси таъминотини яхшилади.

айни пайтда қуёш батареялари самардорлигини ошириш ва таннархини пасайтиришнинг назарий йўллари устида изланишлар олиб борапти. — Даргоҳимизда қайта тикланадиган қувватларнинг яна бир тури — биомасса ва биогаз технологияларидан фойдаланиш борасида ҳам изчил изланишлар олиб борилмоқда, — дейди физика-математика фанлари доктори, профессор Намижон Раҳимов. — Хусусан, доцент Анваржон Пўлатовнинг ўз шоғирдлари билан ушбу йўналишда тайёрлаган илмий хулосалари тасвинома сифатида мамлакатимиздаги бир қатор илмий марказларга тақдим этилди.

Қайта тикланадиган манбаларга вилоятдаги илмий муассасалар ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунинчи, Наманган давлат университетининг Физика кафедрасида бу борада аниқ изланишлар олиб борилмоқда. Жамоа аъзолари пойтахтдаги “Физика-қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан мазкур йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик ўрнатгани, айниқса, юқори самара бераётир. Бирлашма қайта тикланадиган қувватлар мавзуси билан шуғулланаётган наманганлик талабалар учун қуёш батареяси модулини тайёрлаб берди. Ушбу қурилма ёрдамида бўлажак мутахассислар назарий билимларини амалда мустаҳкамламоқда. Ёш олим Музаффар Муродов эса “Ҳимоя қопламаларининг монокристалл кремний асосидаги қуёш элементлари параметрларига таъсири” устида тадқиқот олиб бориб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Маълумки, кремний қуёш нури ёрдамида тикланадиган энергия воситалари тайёрлашда энг зарур хом ашё ҳисобланади. Ёш олимнинг юқоридаги иши бу борадаги изланишларга катта туртки бўлди. Университетнинг яна бир иқтидорли тадқиқотчиси Рустамжон Икромов эса

Дарҳақиқат, қорвачилик ва паррандачилик чичкиндиларини анаэробик муҳитда чиритиш йўли билан ёнғунчан газ ҳамда экологик тоза биоорганик ўғит олишда қўлланиладиган бундай қурилмалар истиқболли тизим сифатида кенг ўрганилмоқда. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иссиқхоналар ишини йўлга қўйишда уни энг самарали восита, деб ҳисоблашаёпти. Буни 0,84 гектар майдондаги иссиқхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган Чортоқ туманидаги “Чортоқ ипаги” фермер хўжалиги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ташаббускор фермер Воҳиджон Саматов вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг амалий ёрдами билан ишга туширган биогаз қурилмаси кунига 150 кубометр табиий газ ҳосил қилиш қувватига эга. Ёнғунчан газ таркибининг 70 фоизи метандан иборат. Унинг ёрдамида иссиқхонада экинлар парваршиш учун талаб этиладиган мўътадил ҳароратни ҳосил қилиш мумкин. Қишлоқ мулкдори бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, жорий мавсумнинг ўзда эл дастурхонига 8 тонна бодиринг ва шунча микдорда помидор етказиб бериш ҳаракатида.

Айтиш лозимки, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш истиқболда юқори иқтисодий натижалар келтириши баробарида, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ҳам катта ҳисса қўшади. Бу борадаги амалий ишлар эса яқин истиқболда ўзининг юксак самараларини кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ПЎЛАТ ИЗЛАРДА ЗАМОН ШИДДАТИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Жамоамизнинг асосий вазифаси халқ ҳўжалиги юқларини кўзланган манзилга ўз мудолатида етказиб бериш, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишдан иборат, — дейди К. Нуруллаев. — Утган йилги юк ташуш режими ортиги билан бажардик. Йўловчи ва юк ташушчи поездларнинг бетиним ҳаракатида Кўнғирот вагон депоси жамоасининг суратларда ҳам муносиб ҳиссаси бор. “Дўнғалак” станциясидан то “Қорақалпоғистон” станцияси-

гача бўлган 938 километрлик оралиқда қатнайдиغان поездларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган мазкур корхонада айна пайтда 445 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан вагонлар пешма-пеш, сифатли таъмирланиб борилаётир. Яқинда корхонага замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилгани эса иш кўлами ва сифатини янада ошириш имконини яратди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бунёдкорлик, ободонлаштириш ва эзгу қадриятлар ифодаси

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шунингдек, хайрия хашаридан тушган маблағлар “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатиш, хусусан, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллардаги мавжуд спорт майдончаларини жорий таъмирлаш ҳамда уларни спорт анжумалари билан жиҳозлаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини яхшилаш каби эзгу ишларга йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Мухтасар айтганда, умумхалқ хайрия хашарини уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур тайёрликлар қўрилган. Зеро, бу галги хашар ҳам миллий қадриятларимизнинг инсон ва жамият ҳаётида беқийс аҳамиятга эга эканлигини намоян этиши, шубҳасиз.

қишлоқ врачлик пунктларининг ўзида аниқ таъхис қўйилиб, даво чоралари қўлланилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида эришилган катта ютуқларимиз 2011 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди. Халқимизда ҳар бир байрам ютуқ ва муваффақиятлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги режалар пишиқ-пухта бажарилган ҳолда нишонланади. Хайру саховат, бағрикенглик, ўзгаларга яхшилик қилиш каби элимизга хос хислатлар бу айём чоғида янада яққолроқ намоян бўлиши ҳам бежиз эмас. Президентимизнинг “Юксак маънавий — энгилмас куч” асариде таъкидланганидек: “Барчамиз доимо орзқик кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадилиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда”. Маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Яшариш фасли шуқуҳи

Мазкур ўзгаришлар юртимизда инсон қадрини улуғланаётганиги, фарзандларимизнинг келажакда мустаҳкам пойдевор қўйилаётганлигининг яна бир юксак ифодасидир. Шунинг учун Наврўз уни ҳам катта хурсандчилик билан ўтказамиз. Сумалак, ҳалим, гўжа каби азалий таомларимизни тайёрлаш баҳонасида бир жойга йиғилишамиз. Кимнинг қандай ташвиши бор, ким тўй қилмоқчи, ким хаста — мана шулар ҳақида маслаҳатлашиб, кўмакка чоғланамиз. Жорий Мустаҳкам оила йилида Наврўзни халқимиз ўзгача интиқлиги чексиз завқ-шавқ билан қарши олмақда. Зеро, Наврўз каби азалий анъаналар қадрланадиган, эъзозланадиган юртда оилаларнинг янада мустаҳкамла-ниши, шубҳасиз. Президентимиз

дейлади: “Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимиизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум. Ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манба-

Ҳар тунинг қадр ўлубон, Ҳар кунинг ўлсун Наврўз. Мақсуд ЖОНИХОНОВ.



«Олмалик кон-металлургия комбинати»

очик акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси

кўп миллатли Ўзбекистон халқини
умумхалқ байрами ~

Наврўзи олам

билан самимий
қўплайди!

Она-табиатнинг ғўзонини, яшарини,
яшнашини айёми — Наврўз юртимизга хайрли келсин!
Юрtdошларимизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларга фрайзу
баракка тилаймиз. Жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги
фидойи меҳнатларида қилган муваффақиятлар ёр бўлсин!

«ЎздавЭнергоназорат» инспекцияси жамоаси

Ўзбекистон халқини умумхалқ шодийнаси —

Наврўз байрами

билан самимий қўплайди.

Баҳорнинг шаровати, табиатнинг ғўзонини, борлиқнинг
гуллаб-яшнаши бағрамизга кўшаринки
кайфияти, ғўзаллик завқу шавқини, эзгулик саодатини
бахш этсин!

Хонадонларимиз
ҳамиша чароғон,
мусаффо осмонимиз
тинч бўлсин!

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2012 йил 19 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 9 сентябрдаги 11-1128/12838-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Араббой тадбиркор» ХФга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор кўрғони, Чирчиқ кўчаси, 66-уйда жойлашган, умумий майдони 400,16 кв.м. бўлган дўкон биноси қўйилган.
Бошланғич нархи — 312 000 000 сўм.

II. Чилонзор тумани СИБ томонидан, 2012 йил 20 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2011 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қ.Ш. Бекмуродовга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 7-уй, 117-хонадонда жойлашган, умумий майдони 69,93 кв.м., яшаш майдони 26,72 кв.м. бўлган, 9 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 2 хонали уй қўйилган.
Бошланғич нархи — 69 886 240 сўм.

Хўрматли талабгорлар! 2012 йил 20 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган кўчмас мулк объектнинг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 8 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш.,
Қушбеги к., 18-уй. Тел.: (8-371) 250-19-24.

Лицензия RR-0017.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Яққасарой тумани СИБ томонидан, Мирзо Улуғбек тумани Фуқаролик ишлари бўйича судининг 2011 йил 2 августдаги 1-21866/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 220 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, С. Мираҳмедов кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий фойдали майдони — 74,94 кв.м., яшаш майдони — 39,45 кв.м., 3 та яшаш хонаси, ойнаванд айвон, ювиниш хонаси, қозонхона, ертўла, эшикдан иборат бўлиб, умумий фойдаланишдаги 600,0 кв.м., ўзбошимчлик билан умумий фойдали майдони 47,49 кв.м., яшаш майдони 10,44 кв.м., битта яшаш хонаси, ошхона, иккита ювиниш хонаси, иккита йўлак, бугхона, даҳлиз, дарвозахона қурилган уй-жой.

2. Чилонзор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 16 сентябрдаги ажримига, 2011 йил 28 ноябрдаги 43980-сонли ижро иши ва 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, бошланғич нархи 1 559 663 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 7-«А» уй манзилида жойлашган, «Sheila Ram Textile Trading» шўъба корхонаси (собиқ 2-автокорхонаси)га тегишли ер участкасининг умумий майдони 2,01 гектар, ҳақиқий майдони 11583,0 кв.м.

Бошланғич нархи — 1 500 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 23 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

бўлган, 3 та бино ва 2 та иншоотдан иборат (бино ва иншоотларнинг умумий майдони — 2382,5 кв.м) кўчмас мулклар қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 6 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йил 6 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 27 апрель куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш қуналари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимшоши савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2011 йил 8 ноябрдаги 41807-сонли ижро иши ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 21 октябрдаги 10-1109/13521-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 35-уйда жойлашган, 3 қаватли, ер участкасининг умумий майдони 2630 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1950 кв.м. бўлган «Лисунов» кинотеатри такроран қўйилмоқда.

Бошланғич нархи — 1 500 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 23 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш қуналари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимшоши савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Бадий академияси академия қошидаги Бадий ижодкорлар уюшмаси шўъба раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Шохалли Шохалубов қизи **ХИЛОЛАХОННИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ифтихор

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароит, қулайликлар яратилган. Бунда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган ўзбек таълим модели халқ қилувчи роль ўйнади, албатта. Хусусан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, жаҳон тажрибасида ноёб ҳисобланган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, шуларга муштарак тарзда замонавий ҳамда бугунги кундаги "Билим — бутун ҳаёт давомида барча учун" тамойили талабларига тўлиқ жавоб берадиган узлуksиз билим бериш механизми йўлга қўйилди.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мазкур устувор тамойил негизда истиқлол йилларида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, бундай янгиликлар олий таълим тизимида ҳам ўз ифодасини топти. Ҳозирги кунгача олий таълим муассасалари сони 2 баробарга кўпайиб, улар 59 тага етгани ҳамда мазкур даргоҳларда 230 мингдан зиёд талаба таҳсил олаётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Айтиш мумкин, бундай юртимиздаги олий ўқув юртлигининг кўркам қиёфаси, илгор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар билан жиҳозланган моддий-техник базаси, уларда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг юксак салоҳияти салмоқли самараларга эришишда катта аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим

шарти" мавзuidaги халқаро конференция меҳмонлари — нуфузли мутахассислар, экспертлар ва педагоглар томонидан ҳам эътироф этилди. Шундай қилиб, натижаларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан яна бир бор тан олинди. Ушбу глобал миқёсдаги йирик тадбир иштирокчилари бир қатор таълим масканларида бўлиб, у ердаги ўқув жараёнлари билан яқиндан танишилди. Улар томонидан республикамиздаги олий ўқув муассасалари замонавий интеллектуал ҳамжамият билан интеграциялашу жараёнлари ҳамда изчил йўлга қўйилган халқаро ҳамкорликка ҳам юқори баҳо берилди. Чунончи, республикамиздаги нуфузли олий ўқув юртидан бири — Тошкент таълим ва энгил санoат институти ҳамда Лондон мода коллежи ўртасида 2010 йилда алоқалар йўлга қўйилгани ва у йилдан йўлга ривожланиб бораётгани ўзаро тажриба алмашиш, халқимизга хос урф-одатлар,

кўргазмаларда иштирок этишига кўмаклашиш борасидаги самарали муносабатлар бунинг тасдиғи бўла олади. Жумладан, бунда Тошкент таълим ва энгил санoат институти ҳамда Лондон мода коллежи вакилларидан иборат иккита пилот-гурӯх тузилгани айтиш мумкин бўлди. Пировардида пойтахтимизда бўлиб ўтган "Art Week Style.uz" мода ҳафталигининг 2010 ва 2011 йилги мавсумларида Лондон мода коллежининг малакали мутахассислари иштирокида мода индустрияси ютуқлари бўйича маҳорат мактаби ташкил этилди. Қолаверса, мода тадбиркорлиги, маркетинги, тарихий либосларни замонавий технологиялар билан уйғунлаштириш, каби йўналишларга бағишланган давра суҳбатлари ҳамда семинарлар уюштирилди. Уларда меҳмонлар қаторида юртимиздаги олий ўқув муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, кийим-кечак дўконлари,

тўқимачилик фабрикалари, мода уйлари ходимлари ҳамда дизайнерлар қатнашди. — Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий таълим модели ўзининг ёрқин натижаларини бериб келмоқда, — дея таъкидлаган эди Лондон мода коллежи медиа ва коммуникация дастурлари директори Сара Аткинсон. — Бундан ташқари, мутахассислар мода санoати соҳаси ўқитувчилари малакасини ошириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича маърузалар қилишди. Айтиш мумкин, "Ўзбек дизайнерларнинг илҳом манбалари" мавзuida маҳорат мактаби ҳам ўтказилди. Бундан ташқари, ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган лойиҳаҳолиблари тақдирланди. Шуларга мос равишда ҳар иккала таълим муассасалари вакиллари ўз ишлари билан "Art Week Style.uz — 2012"да иштирок этишига келишиб олинди. Бу эса икки томонлама алоқаларни янада тараққий топтириш учун муҳимдир, албатта. Бугунги кунда ўзаро лойиҳалар доирасида Тошкент таълим ва энгил санoат институтида тикув цехини очиш ишлари бошлаб юборилгани, зарур ва замонавий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар олиб келиниши ҳам эътиборга лойиқ.

Хулоса ўрнида айтганда, буларнинг барчаси Президентимиз томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаётга қадим қўйишлари, жамиятда ўзларининг муносиб уринларини топишлари йўлида рўёбга чиқарилаётган изчил ислохотлар шарофатидандир.

Ҳолида КОМИЛОВА, Тошкент таълим ва энгил санoат институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор.

Реклама ва эълонлар

«KOP TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» MCHJ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан, 2010 йил 23 августдаги 1-221/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мумтоз (собиқ Қаримов) кўчаси, 5-уйда жойлашган, «ВАЗИР Д» МЧЖга қарашли, бошланғич нархи 2 415 883 713 сўм бўлган, умумий майдони 34 577 кв.м. 12 та бино, 2 та бионинг бир қисми ва 6 та иншоотдан иборат кўчмас мулклар (собиқ ТашОП) мажмуа ҳолда тақдоран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 30 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «KOP TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОН: 83400. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ (ОАЖ) жамоаси бутун Ўзбекистон халқини яшарини ва янгилашни байрам — 15 март Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Юртимизда Наврўз шодиёналари бошланиб, баҳорий кайфият ҳукм сураётган ушбу фараҳли дамларда сиз, аэизларга бахт ва омад, соғлиқ-омонлик, барга эзгу ниятларинииз рўёбга чиқаришни тилаймиз. Ҳар бир оилага бундан-да зиёда қут-бафака, бахту саодатлар насиб этсин. Байраминииз муборак бўлсин, аэиз юрттдошлар!

TRASTBANK ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ «Трастбанк» очик акциядорлик хусусий биржа банки жамоаси барчани Наврўз айёми билан муборакбод этади! Ўзбекистон халқига чин дилдан энг яхши тилаклар, мустақам соғлиқ, тинчлик - хотиржамлик тилаймиз!

Weather forecast table with columns for OB-XAVO, Qoraqalpogiston Respublikasi, Buxoro va Navoiy viloyatlarida, Toshkent, Samarqand, Jizzax, Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida, Andijon, Namangan hamda Farg'ona viloyatlarida, Toshkent shahrida. Includes temperature and weather icons.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳиҳ — Х. Тошхўжаев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5